

ЗАМОНАВИЙ ХАТНА

амалиёти ҳақида нималарни биласиз?



**xatna
markazi**
Dr. Shernazarov

Бугунги кунда тиббиётда хатна қилишнинг замонавий усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар билан ҳали яхши таниш бўлмаганларда талай саволлар туғилиши табиий. Шу боис хатна қилишнинг энг охириги усуллари ҳақида маълумот беришга жазм этдик.



“Хатна маркази”

шифокор-жарроҳи

**Шерназаров Шухрат
Ибрагимович**

Термокоагулятор аппарати
ёрдамидаги суннатлар

2200 дан ортиқ амалиётлар

t.me/ShuhratShernazarov

Тел: (90)908-80-82

– Болани неча ёшида хатна қилган маъқул?

Ҳар йили мингдан ортиқ болаларни хатна қилар эканман, ушбу суннат амалиётини ўтказиш учун энг афзали 7 кунлик, 40 кунлик чақалоқлик даври ҳамда 7 ёш, деб ҳисоблайман. Чунки янги чақалоқларда оғриқ ҳисси камроқ бўлади, улар тез тинчланади, парвариши осон бўлади ва жароҳати тез битади. Ақлини таниган, гапни тушунадиган 7 ёшли болаларда инъекцион анестезия билан бутунлай стрессиз хатнани амалга ошириш имкони бор. Албатта, зарурат бўлганда, болани фимоз ёки бошқа сабабдан шикоят бўлганда, кўрсатмага кўра ҳар қандай ёшда ҳам хатна қилиш мумкин.

– Хатнага қарши кўрсатмалар борми, яъни қайси ҳолатларда бола хатна қилинмайди?

Хатнага қарши кўрсатмалар мутлақ ва нисбий бўлади. Мутлақ қарши кўрсатмага яширин жинсий олат (скрытый половой член),

микрopenis (олат бошчасининг кичиклиги) ва коагулопатия (қон ивишининг бузилиши) каби ҳолатларни киритиш мумкин. Агар боланинг олат бошчаси семизлик фонидида қов соҳасидаги тери ости ёғ қавати ичига кирувчан ва айниқса, бола ўтирадиган даврда (7-10 ойлик), ҳали юриб кетмаган бўлса, унда болани хатна қилишга шошмаслик керак. Чунки бу ҳолатда агар жарроҳ фиксацион чок ёки олат бошчаси чиқиб туришини таъминлаш мақсадида бошқа восита қўлламаган бўлса ҳамда болани парвариш қилувчи олат бошчаси чиқиб туришини таъминлай олмаса, унда олат бошчаси ичкарига тортилиб, устидан тери қоплаб битиши мумкин. Бу эса кўшимча амалиётлар ўтказишга сабаб бўлади. Бундай асоратларнинг олдини олиш учун мутахассис хавф даражасини баҳолай олиши ва барча чора-тадбирларни қўллаш лозим. Болада қон ивиши билан боғлиқ муаммолар аниқланганда гематолог кўриги ва маслаҳати керак бўлади.

Нисбий қарши кўрсатмаларга боланинг шамоллаган ҳолати ёки икки ҳафта ичида иситма ва бошқа шамоллаш белгилари кузатилганлиги, вакцина ёки антибиотиклар қабул қилганлиги, болада неврологик касалликлар мавжудлиги кабиларни киритамиз. Бу ҳолатларда бир вақтнинг ўзида болани жинсий олатида фимоз ёки бошқа шикоятлари бўлса, унда зарурат юзасидан хатна қилиш мумкин. Нисбий қарши кўрсатма мавжуд бўлганда болани хатнадан олдин педиатр, болалар невропатологи каби мутахассислар кўригидан ўтказиш тавсия этилади.

– Йилнинг қайси фаслларида болани хатна қилдирган маъқул?

Баҳор ва куз фасллари, айниқса, апрель, май, август, сентябрь ойлари энг кўп хатна қилинадиган мавсумдир. Бироқ ҳозирги тиббиёт ривожланган даврда хатна усули анча такомиллашган бўлиб, хатнадан кейин қўлланидиган самарали

антисептик ва битирувчи воситалар мавжудлиги ҳамда кўпчиликнинг уйида хона ҳароратини мўътадил ушлаб турадиган кондиционерлар борлиги сабаб биз бутун йил давомида хатна қиламиз. Олдинги даврларда кузатилган “газак олишлар” ҳозирда деярли учрамайди. Шундай бўлса-да, қаҳратон қиш ва ёз чилласида ўтказиладиган хатналарни аксарияти кўрсатмага биноан, зарурат юзасидан ўтказилади.

– Хатнадан олдин бирор тайёргарлик кўриш керакми?

Ақли кирган (7 ёш атрофидаги) болаларни хатнадан олдин ушбу суннат амалиётга руҳан тайёрлашни тавсия қиламан. Клиникамизда хатна олдидан бола ҳаққига болани ота-онаси, бобо-бувиси ҳамда хатна қилувчи мутахассиснинг биргаликда дуо қилишлари одат тусига кирган. Бола маҳаллий оғриқсизлантириш мақсадида қилинадиган инъекцияни хотиржам ўтказса, кейинги асосий жараён энгил ва бутунлай оғриқсиз ўтади. Боғча ёшдаги болаларнинг аксарияти эса уколдан кўрқишади ва инъекциядан сўнг дори таъсир қилгунча бўлган муддатда (5-10 дақиқа) тинч ётмаслиги сабаб инъекцион анестезия уларга кўпроқ стресс олиб келиши мумкин. Шу боис кичик ёшдаги болаларга хатнадан ярим соат олдин оғриқ қолдирувчи дориларни (шамча, сироп ёки таблетка кўринишида) беришни тавсия қиламиз. Хатна жараёнини эса тез, қисқа муддатда ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Яна бир муҳим маслаҳат шуки, болани хатнага имкон қадар ухлатмасдан, балки уйқусига яқин, ўйнаб чарчаган ҳолида олиб келган афзал, бу энг содда, табиий ва фойдали тадбирлардан ҳисобланади. Яқинда ухлаб турган болаларга эса бироз уйқу келтирувчи, тинчлантирувчи дорилардан беришни тавсия қиламан. Чақалоқлар эса табиий равишда тез-тез ухлаб туриши сабаб уларга заруратсиз дори бериш керак эмас. Чақалоқлар учун энг яхши дори – она сутти,

одатда, улар онани эмиб тез тинчланади.

Хатнадан олдин бола ўта оч ҳам, ўта тўқ ҳам бўлмаслиги тавсия этилади. Шунингдек, болалар хатнадан бир кун олдин ва кейин (жароҳат битгунча) таркибида турли кимёвий моддалар бўлган маҳсулотлар, ширинликлар, рангли ичимликлар ва аллергиялардан парҳез қилмоғи лозим.

– Қайси усул яхшироқ: лазерми, скалпелми ёки эски табибларнинг усули?

Табибларнинг хатна усулини ўз замонасининг энг мақбул усули деб ҳисоблайман. Ҳатто биз ҳам баъзида профилактик мақсадда табиий гемостатик восита сифатида куйдрилган пахтадан фойдаланамиз. Шу билан бирга, замонамиз ютуқларидан ҳам фойдаланиб, хатна учун ишлаб чиқилган махсус асбобларни ва термокоагулятор ускунасини қўллаймиз. Сўнгги йилларда хатна усулимизни анча такомиллаштириб, қонсиз, чоксиз, боғловсиз, хавфсиз хатналарни амалга оширмақдамиз. Нерв блокадаси билан ўтказиладиган хатналар эса ушбу суннат амалини бутунлай оғриқсиз ўтказишга имкон беради. Олдинги жарроҳлар скалпел (ўткир пичоқча) билан кесишган, одатда, қон чиққан, қон томирларни боғлашга ёки тикишга тўғри келган. Сўнг жароҳат устидан боғлам қўйишган (ҳозир ҳам қўплаб жарроҳлар шу усулни қўллашда давом этмоқда). Замонавий жарроҳлар кўпроқ турли хил коагуляторлар ёки лазердан фойдаланишади. Жарроҳлик амалиётларида қўлланиладиган электрокоагулятор аппарати билан хатна қилишни, шахсан мен, маъқулламайман, бундай коагулятор болалар учун кўпроқ электр куйиш жароҳати олишига ва бошқа асоратли хавфларни пайдо қилади, деб биламан. Лазер, бу – нур. Баъзи клиникаларда хатна лазер нури билан амалга оширилади. Биз хатна марказимизда лазер нурини қўлламаймиз, балки термокоагулятордан фойдаланамиз. Аксарият аҳоли бизнинг усулимизни ҳам “лазер” деб номлайди, бу усулларнинг фарқига кўп ҳам бормайди. Термокоагулятор аппарати эффекти лазерникига ўхшаш бўлса-да, бироқ ҳозирда мавжуд бўлган бошқа барча усуллардан камроқ жароҳат қолдириши, хавфсизлиги ва қулайлиги жиҳатидан афзалдир (бу мутахассис сифатида шахсий хулосам).



Истамбулда Туркиянинг машҳур хатна устаси Prof. Dr. Levend Özkan билан 2022 йил хатна бўйича буюк тажриба алмашувини амалга оширдик.

Албатта, бу ерда жарроҳнинг маҳорати, тажрибаси ва асбоблари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳаттоки, мутахассиснинг ўз устози ва беморларининг дуоларини олганлиги ҳам кўп аҳамиятлидир.

– Хатна жараёнида қанақа оғриқсизлантириш усули қўлланилади?

Хатна жараёни умумий наркоз ёки маҳаллий анестезия (оғриқсизлантириш) билан ўтказилиши мумкин. Биз маҳаллий анестезия усулини қўллаймиз. Бунда чақалоқ ва боғча ёшидаги болаларда лидокаин сақловчи спрей ва малҳамлар билан бир-икки дақиқада қисман анестезияга эришилади. Хатна жараёни нисбатан тез (2-3 дақиқа) ўтказилиши боис, улар муолажа хонасида қисқа муддат бўлишади. Болаларда қўрқув ҳиссини йўқ қилиш учун турли сават, нашид, тиловат ва карнайсурнай мусиқа овозлари қўйиб берилади. Турли ўйинчоқлар билан чалғитилади. Ақлини таниган болаларгагина лидокаин инъекцияси орқали тўлиқ анестезия амалга оширилади. Умумий наркоз эса кўрсатмага биноан, қўллаш афзал бўлган ҳолларда, бола учун зараридан фойдаси кўп деб топиладигани

на қўллаш мумкин, деб ҳисоблайман. Шунингдек, болаларга қўшимча сифатида олдиндан берилган оғриқ қолдирувчи воситалар хатнадан кейинги илк даврнинг энгил ўтишига хизмат қилади.

– Жароҳат қанча вақтда битади?

Жароҳат чақалоқларда ўртача 5 кунда, катгароқ ёшдаги болаларда 10 кунларда битади. Юрадиган ёшдаги болалар хатнадан сўнг клиникамиздан ўзлари юриб чиқишади.

– Хатнадан сўнг қандай парвариш қилинади?

Хатнадан кейин парвариш қилувчи (одатда онаси) болани хатна қилинган соҳасини 3-5 кун давомида антисептик воситалар билан 3-4 маҳал ишлов бериб туради (биринчи босқич). Олат бошчаси учиди сийдиқ чиқадиган тешигини артиб, тозалигини сақлайди. Бу даврда жароҳат ўрни шишиб қизариши мумкин, устига оқимтир-сарғиш ёки кулранг парда қоплаши мумкин, бу нормал ҳолат. Жароҳатдан сел келиши тўхтаб, усти бироз қуригач, ҳар куни бир маҳал мойчечакли дамламада ёки бирор антисептик қўшилган илиқ сувда жароҳат устидаги хилтлар тозалангунча (3-5 кун) обзанча (ванночка) қилинади (иккинчи босқич). Бу даврда жароҳатга турли ёғларни, асосан зайтун ёки чаканда ёғларини 2-3 маҳал томизиб туришни тавсия қиламан. Жароҳат устидаги хилтлар (корочка) тозалангач, олат бошчаси ва ҳалқасига яна 3-5 кун давомида 2 маҳал аччиқ бодом ёғидан томизиб турилса, чандиғи ихчам, текис ва чиройли шаклланади (учинчи босқич).

– Сизларнинг клиникангизда ҳар бир хатна бўлган болага махсус “ХАТНА СЕРТИФИКАТИ” берилар экан, бу қандай сертификат?

Ҳа, бизнинг клиникамизда ҳар бир хатна бўлган болага унинг исм-шарифи, туғилган санаси ёзилган, ким томондан, қачон ва қаерда хатна қилинганлиги тартиб рақам билан қайд қилинган махсус хужжат берилади. Ушбу сертификатнинг орқа томонида эса ота-она учун болани парвариш қилиш йўриқнома-си жойланган. Шунингдек, сертификат юзида шифокор ва клиника телефон рақамлари ҳамда хатна қилган мутахассис билан онлайн маслаҳат олиб туриш учун телеграм профили QR-коди берилган.



Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 26 а
Клиника Doktor med – “Хатна марказ”. **Тел:** (71) 246-49-22